

«Фаход ва Ширин» достони Алишер Навоийнинг машхур «Хамса»сига кирган беш дostonнинг биридир. Улуг шоирнинг энг зўр асарларидан хисобланган «Хайратул-аброр», «Лайли ва Мажнун», «Сабъайи Сайёр» ва «Садди Искандар» дostonлари орасида «Фаход ва Ширин» алохида ўрин тутди. «Фаход ва Ширин» Навоий бундан беш аср бурун яратиб колдирган буюк дostonларининг энг зўридир. Йигит Фаход ва киз Ширин тўгрисидаги афсона асрлар бўйича яшаб келмокда. Гўзал халк афсонасига айланиб кетган бу хикоя аслда, тарихий фактлар асосида юзага келган бўлиб, «Хисрав ва Ширин» номи билан шухрат топгандир. Тарих китобларида шундай маълумотлар бор: Хисрав Эроннинг Сосоний хукмдорларидан бўлган машхур Нўширвоннинг набирасидир. Хисрав милоди VII асрда Эрон шохи экан. Мухаммад пайгамбар кўшни хукмдорларга хатлар юбориб, мусулмонликни кабул килишга чакирганда ана шу Хисрав Парвезга хат юборган экан. Тарихчилар, Хисрав Парвез Мухаммад пайгамбарнинг бу хатини йиртиб ташлаган эди, деб ёзадилар. «Хисрав ва Ширин» хакидаги дoston эса VII —X асрлар ўртасида яратилгандир.

Хисрав ва Ширин хакида биринчи мартаба дoston ёзган киши X асрда яшаган буюк шоир Абулкосим Фирдавсийдир. Лекин дostonнинг бизда машхур бўлган энг сеvimли кахрамони Фаход хакида Фирдавсий хеч нарса билмайди. Эрон шохи Хисрав овда юриб Ширинни кўриб колади, севади ва уйланмокчи бўлади. Лекин Ширин подшолар наслдан эмас эди. Шунинг учун Хисрав атрофидаги кишилар шохнинг унга уйланишига карши турадилар. Хисрав юрт катталарининг мажлисини чакириб, уларни кўндиради ва Ширинга уйланади. Хисравнинг аввалги хотини Марямдан бўлган ўгил Шируя ўз отаси Хисравни ўлдириб, Эрон шохлигини ўз кўлига олади ва Ширинни хотин килмокчи бўлади. Ширин эса Хисрав кабрида захар ичиб ўлади. Фирдавсийнинг дostonида Фаход бўлмагани каби Шопур хам йўқдир.

Фирдавсийдан сўнг, ундан икки юз йил кейин XII асрда яшаган машхур Озарбайжон шоири Низомий Хисрав ва Ширин тўгрисидаги хикояни янгидан ишлаб, зўр бир дoston яратгандир. «Хисрав ва Ширин» достони Низомий «Хамса» сидаги дostonларнинг биридир. Низомийнинг бу гўзал дostonида кахрамонлар яна Хисрав билан Шириндир. Фаход образи иккинчи даражадаги бир ўринда туради. Шопур образи эса бир уста рассом ва хийлакор сайёх сифатида бўлиб, Хисравнинг сухбатдошидир.

Арманнинг гўзал кизи Ширин хакидаги хабарни хам Хисравга Шопур еткизади ва минг хил йўллар билан Ширинни Хисравга кўнгил кўйдиради. Хисрав отаси билан уришиб, Мадойиндан кочиб Арманга боради. Махин Бонуга сигинади. Ширин эса Мадойиндаги Эрон шохига сигинади. Шопур келиб Ширинга Хисравнинг Арманга борганини эшитдиради. Ширин Арманга кайтади. Хисрав эса отасининг ўлдирилганини эшитиб Эронга кайтади ва Мадойинда тахтга ўтиради. Хисрав билан Ширин яна учрашаолмайдилар. Мадойинда исён кўтарилади, Хисрав яна енгилди, сўнгра Эрондан чикиб аввал Озарбайжонга ва ундан кейин Арманистонга — Махин Бону хузурига боради, Ширин билан кўришади.

Ширин енгилган шохни хохламайди, Хисрав Румга бориб, унда Румо императорининг кизи Марямга уйланади. Румдан катта кўшин билан Эронга келади, ўз душмани бўлган Бахром Чўбинни тахтдан агдаради. Ширин эса Хисрав ўз душманини енггандан сўнг, унга хотин бўлишга ваъда берган эди.

Бу вақт Махин Бону ўлган. Арманда Ширин колган эди. У Армандан чикиб Мадойинга

келади ва ўз касрига тушади. Хисравнинг хотини Марям уларнинг ковишмоқларига монӣ бўлади. Шундан сўнггина воқеага Фарход аралашади. Фарход — Хитой эмас, балки Хитойга бориб Шопур билан ўқиб келган билимдон, уста йигитдир. У Ширинга бир сут канали казийди, ва шундан кейин Хисрав билан учрашади. Хисрав Фарходдан хавфсирай бошлайди, у, «Бестун тогидан менинг кўшимини ўтадиган бир йўл казиб бсрсанг, шунда Ширинни оласан» дейди. Фарход ишга киришади ва кундан-кун бу ишда зўр мўъжизалар кўрсата бошлайди. Фарходга бундай бажариб бўлмас зўр ишни топшириб, уни овора, сарсон қилишни кўзлаган Хисрав, унинг муваффақиятлари олдида талвасага тушади, хийлагар кампир воситаси-ла уни ўлдиради.

Фарходнинг воқеага бўлган катнаши шу ерда битади. Достон давом келади, Хисрав энди Шакар деган бир кизни севиб қолиб, унга уйланади ва ундан сўнггина Ширинни хотинликка олади. Фирдавсийда бўлганидек, Шируя ўз отаси Хисравни ўлдиради ва Ширинга уйланмоқчи бўлади. Ширин Хисрав ўлиги устида ўзини пичоқлаб ўлдиради, воқеа тугайди.

Низомий достони зўр муваффақият қозонади. Бу достонга юзларча таклидчилар майдонга келдилар. Ўз кучини синаб кўрмоқчи бўлган харбир шоир «Хисрав ва Ширин» ёзади. Лекин ҳечбири ҳам шеърнинг буюк устаси бўлган Низомийга етишаолмайди. Низомийдан кейин «Хисрав ва Ширин» достонини ёзиб зўр галаба қозонган шоир XIV асрда яшаган Амир Хисрав Дехлавийдир. Амир Хисрав ўз достонида Низомий достонидаги воқеаларни тўла олган, сюжетини бутунлай сақлаган ва Низомийда ҳикоя нима билан бошланиб, нима билан бица, у ҳам худди шундай қилган. Хисрав, Ширин ва Фарход ҳақидаги гўзал ҳикоя Шарқдаги бутун зўр ижодчиларнинг фикр уясини кўзгошдан сира тўхтамас эди. Фирдавсийдан беш аср, Низомийдан уч аср ва Амир Хисрав Дехлавийдан бир аср кейин, бу гўзал мавзуга бизнинг буюк Алишеримиз қайтди. У ўзбек тилида, энди «Фарход ва Ширин» номи билан тамом янги ва ўлмас бир асар яратиб қолдирди.

Навоий «Хамса»ни ва хусусан «Фарход ва Ширин»ни ёзишга киришар экан, ўз қаршида Низомий ва Дехлавий сингари ижод азаматлари турганини билар, бу тўғрида ўзига аниқ ҳисоб берар, улар кўтарилиб чиққан баландликка чиқиш ва уларга тенг асар яратиш осон эмаслигини жуда аниқ онглар эди:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,  
Низомий панжасига панжа урмоқ.

Навоий Низомийни бир арслон сифатида тушунади ва арслонга баровар келмоқ учун уруш арслони бўлиш ва ҳеч бўлмаганда йўлбарс бўлиш кераклигини айтади:

Керак шер олида ҳам шер жанги,  
Агар шер ўлмаса бори палангга

Навоий ўтган зўр ижодий йўлни ва у яратиб қолдирган ўлмас асарларни ҳисобга олиб айтиш мумкинки, Навоий ўз халқининг Низомий даражасидаги зўр уруш арслони бўлиб етишди. Шунинг учун ҳам Низомий ёки Амир Хисрав Дехлавийнинг таклидчиси бўлмади. Оз халқи учун унинг ўз она тилида гўзал бадиий асарлар яратиш вазифасини энг биринчи марта ўз олдига қўйган буюк шоир замонасининг шох асарларини яратиб қолдирган Низомий ва Дехлавийларнинг ёзганларини танқид қўзидан кечириб чиқишга,

улар яратиб колдирган бадиий бойликни янгидан бахолашга мажбур бўлди. Натижада Низомий ва Дехлавийда бош кахрамон бўлган Хисрав иккинчи ўринга тушди. Хисрав, Низомий ва Дехлавийда мусбат образ эди. Навоийда манфий образ сифатида тасвирланди. Навоий Хисравни ёмон кўрди. Хисрав хийла билан Фарходни ўлдирган, гунохсиз бир инсонни беҳудага зулм билан халок қилган киши деб қаради. Хисрав чинакам одамгарчиликдан махрум бўлган бир шох, унинг ишида одамгарчилик йўқ дсб топди. У бугун Марямга, эртаси Шакарга ва индин Ширинга ошиқ бўлади, унинг мухаббатига қарор ва вафо йўқ деб билди. Хисрав ишқ йўлида вафо ва садокат ўрнига ҳукмдорликдан фойдаланади, адолатни ерга уради деб қаради ва шундай бир шохга маддох бўлиб қолдилар, уни кўқларга кўтариб махтадилар, деб Низомий ва Дехлавийларни танқид қилди:

Вале чекканлар ушбу жомдин роҳ,  
Саросар бўлдилар Хисравга маддох:

Ки мулки мундоғу ойини мундок,  
Сипохи андоғу тамкини мундок.

Гахи шабдиз олам гардидин деб,  
Замони ганж бод овардидин деб,

Нашоти базмида хонлар мурасса Ё,  
Не хонлар, қасру айвонлар мурасса Ё,

Ичиб гах Борбад лахни била май,  
Гахи Шопур достон деб паёпай.

Бузург уммид хикмат жўйи онинг,  
Не хикмат жў хушомад гўйи онинг.

Топиб гах Марям оғушида ором,  
Шакар халвосидин гохи топиб ком.

Бўлуб Ширинга ошиқ подшоҳвор,  
Ки ул махбуб ўлуб, гохи парастор.

Яқиндурким бу шохи ноз парвард,  
Эрур дарду бало ойинидин фард.

Арода деб бир-икки достон ҳам,  
Яна Фарходдин айтиб нишон ҳам.

Ки бир хорошгону кўхсори,  
Бўлуб Ширин гамидин беқарори,

Неча кун васл учун айлаб тақу-дав,

Ани хам ўлтуруб тош ичра Хисрав.

Агарча килки накш айлаб нигориш,  
Топибдур достон мундок гузориш,

Вале назмида хар устод мохир,  
Чекибдур анча кимматлик жавохир.

Ки даркидин эрур аидиша хайрон,  
Хавоси аклу хикмат пеша хайрон.

Алар назмининг олида мени зор,  
Чу фахм этдимки кўргумдир кўп озор.

Заруратким солиб бир ўзгача тарх,  
Бу меҳнатномани килгумдурур шарх.

Шунинг учун хам «Хисрав ва Ширин» достонининг шеърий санъатига бу икки буюк шоирнинг кўп кимматлик жавхарлари тўкилган бўлишига карамасдан, Навоий уни маънан жиддий равишда кайтадан ишлаб чиқишга ва унинг мазмунига чуқур ўзгаришлар киргизишга, подшо Хисрав ўрнига факір Фарходни кўтаришга зарурат сезади ва ўзининг буюк меҳнатномасини яратади. Унинг номини «Хисрав ва Ширин» эмас, балки «Фарход ва Ширин» деб кўяди. Золим, инсон эркини топтовчи хукмдор Хисрав ўзиини бутун мохияти билан адолатпараст, эркпарвар ва вафодор Фарходга карши кўйилади. Шундай килиб Навоий достонида бош қахрамон Фарход бўлиб, Хисрав иккинчи ўринга кўчирилган, тамом янги манфий мохият билан тасвирланган ва хикояга достоннинг ўрталарида келиб аралашади. Фарход макрли йўллар билан ўлдирилгандан сўнг Махин Бону ноилож Хисравга таслим бўлади. Шируя ўз отаси Хисравни ўлдиради ва Ширинни ўзи олмокка уринади, лекин вафодор Ширин саҳрода ўлган Фарходнинг суякларини топдириб кўмдиради ва ўзи хам унинг жасади ёнида жон беради. Бу кайгудан Махин Бону хам ўлади.

Фарходнинг отаси Хокон па онаси ундан узок замон хабар бўлмагач интизорлик билан ўлиб кетадилар. Фарходнинг дўсти, Хокон назирининг ўгли Баҳром кўшин тортиб, Фарходни истаб Арманистонга келади ва воқеани онглайди. Шундан сўнг Арман ўлкасини унинг ўз халкига топшириб, ватанига жўнашга мажбур бўлади. Баҳром Арманистонда тинчлик ва адолат ўрнатади.

Шулардан Навоийнинг ўз буюк ижодий ҳамкорлари яратган сюжет тўқимасига жиддий ўзгаришлар киргизгани ва достонни мазмун жихатидан яна хам чуқурлаштиргани ва бунда зўр муваффақият қозонгани аниқ кўриниб туради. Навоийдан сўнг ўтган кейинги беш юз йил ичида юзларча шоирлар «Фарход ва Ширин» ёздилар. Лекин уларнинг ҳечбири буюк Алишер яратган достон даражасига кўтарилмади. Буюк шоир ўзигача бўлган бадиий меросни чуқур ва хар тарафлама ўрганган, зарур бўлган ўзгаришларни киргизиш билан уни тамом янги фикрий ва бадиий юксакликка кўтараолганки, ундан сўнг майдонга чиққан шоирларнинг ҳечбири бу бобда унга тенглашолмагандир.

«Фарход ва Ширин» жаҳон адабиётининг ўлмас мавзуларидан бўлган муҳаббат ва ҳаёт ҳақида қуйлайди. Муҳаббат, ҳаёт ва ўлим мавзуи, инсон ва замон мавзуи, киши шахси ва

жамият мавзуи доимо буюк санъаткорларнинг диккат 'марказида, бадиий идеяларнинг марказида туриб келгандир.

Буюк Алишер ўзининг ўлмас достонида икки дунёни яратгандир. Бу — ёмонлик ва яхшилик дунёси, зулм ва адолат дунёси, жафо ва вафо дунёсидир. Бу икки дунё бир жихатдан Фарход, Ширин, Шопур ва Махин Бону образида, иккинчи жихатдан Хисрав, унинг ўгли Шируя ва маккор ва хийлакор шериклари образида берилгандир.

Навоийнинг достонини ўқир эканмиз, Фарход бизнинг кўз ўнгимизда энг аввало улуг бир инсон ва улуг бир ижодкор меҳнаткаш тарикасида гавдаланади:

Кўнгул айлаб сен ул шохлик била кенг,  
Менинг олдимда ул тупрок билан тенг.

деган сўзлар бизнинг кўз олдимизга шахзодани эмас, хақиқий бир одамни келтирадилар. Фарход кишиликнинг энг оддий аъзолари каторига туради ва ўзи билан тенг бўлган одамга, хур ва эркин фикрли, тўғри инсофли ва вафодор одамга, у кайси элдан, кайси уруг ва кайси миллатдан бўлмасин, бир умрлик муҳаббат боғлайди. Улар билан дўст бўлади, уларнинг тақдирига ўз тақдирини йўлдош қилади. Улар учун ўлади ва тирилади. Улар кайгусини ўз шахсий кайгуси, уларнинг бошига келган офатни ўз бошига ёғилган бало тарикасида қабул қилади.

Одамнинг мукамал образи бўлган Фарход шунинг учун доимо харкандай кулфат ва гурбат ичида ҳам, харкандай бало ва офат ичида ҳам ўзига йўлдош топади. Одам одамни топади. Хақиқий инсон бўлган кишилар, ўз сафдошлари учун жон беришдан бош гортмайдилар. Бундан одамлар ўртасида зўр бир маънавий бирлик юзага келади. Вафо ва садокат юзага келади. Фикрлардаги дўстлик, ҳамкорлик ва тақдирдаги йўлдошлик юзага келади.

Одамга бўлган муҳаббат ва ҳурмат, одам хурриятига бўлган туганмас севги, одамнинг эрки ва осойишталигига бўлган гамхўрлик Фарход учун бир умр ажралмас дўстларни юзага келтирадилар. Ўзбек Фарходга эронли Шопур, арман Ширинни ва Махин Бонуни доимий дўст ва йўлдош қилган асос шудир!

Навоий Фарход образида меҳнатнинг зўр мадҳиясини яратиб қолдирган. Фарходнинг ўлмас образи унинг буюк меҳнаткаш ижодкорлигида камол топгандир. Нозик ва нафис сезгига, ўтқир ва ихтирочи фикрга эга бўлган Фарход энг ёшлигидан меҳнат ва билимга хавас қўяди. Инсон фаолиятининг харбир тури Фарход учун яқиндир. У хар ишгаки кўз солса, ўша ишнинг бутун ички ва ташки, очик ва махфий сирларини дархол пайкаб олади. Хунарнинг буюк устаси бўлган наққош, тош йўнар Корин ўз хунарини ўргатиб туриб, Фарход қошида шогирд холига тушиб қолади.

Анингдек қилди хоро йўнмагин вирд,  
Ки юз Корин қошида бўлди шогирд.

Фарходдаги фикр қудрати шу қадар зўр эди. Рассом Моний Фарходга расмкашликни ўргатар экан, у буларни рассомнинг ўзидан илгари ўзлаштириб олади.

Каю суратки Мопий чекти тимсол,  
Анга Фарход очди чехра филхол.

Мохир Фарход ўзига солинаётган каср битгунча хам тош йўнар, хам рассом бўлиб,  
хунарнинг энг ибтидосидан энг олийсигача кўтарилади:

Ул уйларки тугангунча ичу тош,  
Хам ўлди хора бур, хам ўлди наккош.

Фарход бутун хунарларга нисбатан шундай эди.

Буларни кўйки хар устоди мохир,  
Ки килди санъатин ул уйда зохир.

Чу хар ён майли хардам зохир ўлди,  
Ул ишда устоди мохир ўлди.

Чунки Фарход фикр ва ижод кишиси, излаш ва ахтариш кишиси эди. У, одам нимаики  
килган бўлса факат фикрлаш оркасида килган, фикрлаш мумкин бўлган ерда хал  
килинмаган мушкул иш бўлмайти, деб қарар ва излаган нарсаларининг таги-туғига  
етмагунча тинчланаолмас эди:

Деди хар ишки килмиш одамизод,  
Тафаккур бирла билмиш одамизод.

Олум ичра менга то бўлди мадхал,  
Топилмас мушқули мен килмаган хал,

Бунинг хам билмагунча асли будин,  
Муайян килмагунча тор — пудин,

Не имконьким қарор ўлгай кўнгулга,  
Тасалли ошқор ўлгай кўнгулга.

Шунинг учун хам ўз замонининг эпг илгор фикр кишиси бўлган Навоий ўз севиқли  
кахрамонининг назарини ўша вақтда бошидан-оёқ хикматлар билан тўла бир ўлка  
сифатида танилган Юнонга қаратади ва Фарходнинг қисмати Юнон ўлкасининг бир  
ховуч тупроғи бўлган файласуф Сукрот хал қилади.

Давлат хазинасидаги биллур сандик ичидан чиккан усти ёпик ойнаи жахоннамо устида:  
«Харким бу ойнани очиб тамоша қилмокни истаса, Юнонистонга борсин. Сукрот ҳақим  
билан кўришсин», деб ёзилган, шундан сўнг Фарход Юнонга боришга қарор қилади.  
Юнонга бориб Сукротни топишга ва унинг учун қоронғи бўлган тилсимни очишга аҳд  
қилган Фарход зўр мужизалар кўрсатади. Бақодир юрак, ўткир кўз ва зўр жисмоний  
қучга эга бўлган гўзал йигит уруш қилиб аждаҳони ўлдиради, жаҳонни қопқора тутунга  
бостирган Аҳраман девни енгиб ҳалок қилади. Искандари Румийнинг тилсимини очади ва  
Сукрот тоғидагн қоронғи қор ичида буюқ файласуфни топади. Буларни Фарход ўз  
умрининг сўнгида шундай яқун қилган эди:

Бири Юнонга марқаб сургонимни,

Килиб разм аждахо ўлдургонимни.

Иккинчи Ахраманга айлабон кийн,  
Жахонни килганим кон бирла рангин.

Учинчи Искандари Румий тилисмин,  
Ки очдим тенг килиб ер бирла жисмин

Бўлуб тўртипчи Сукротка ракамкаш,  
Ки гори ичра кирдим аждаховаш.

Ки то олам биноси бўлди бунёд,  
Бу янглиг килмади иш одамизод.

Бу каби мужизалар яратган Фарход коронги гор ичида хаким Сукротдан ўз қисмат китобини ўқийди. Сукрот эса Фарходнинг келажагини айтиб бўлиб унинг олдида жон беради. Фарходнинг бундан сўнги бутун ҳаёти Сукрот айтган нахрлардан оқади. Фарход халк ва инсоният олдида гоят зўр бир одоб саклайди. У, илм ва ижодда топган ўз қамолини ҳам яна шу одамизод учун ишлатади. У Ширин ўлкасига бориб, зўр тоғни тешиб, қисматнинг оғир юклари остида янчилиб турган ишчиларни кўради, уларнинг қанчалик зўр ишга бел боғлаганликларини, қанчалик машаққатлар ичида қолганликларини аңглайди ва жони ачийди, уларга ёрдам беришга қарор қилади. Унинг ўзига қилган қуйидаги хитобида бутун борлигини инсониятга бағишлаган киши экани жуда равшан бўлади.

Хунарни саклабон нетқумдур охир,  
Олиб тупрокками қетқумдур охир.

Одамзодни юксалтиришга бўлган бу имон Фарход тўғрисида халқ орасида зўр афсона юзага келтиради. У, Арманда экан энг аввало бориб унинг меҳнатқашларига кўшилади. Уларнинг мушқулини осон қилади. Халқ орасида зўр овоза кўтарилиб, бу Махин Бону ва Ширингача етади. Ширин ва Махин Бону бундай зўр ижодқорни кўришни ўзларига бир ганимат ва неъмат деб тушунадилар. Махин Бону Ширинга энг аввал зўр бир меҳнатқаш тўғрисида хабар беради ва Ширин шундай бир одамни кўришни ўзига ганимат деб билади:

Биров дерларки пайдо бўлган эрмиш,  
Киёмат ошқоро бўлган эрмиш.

Ки уч йилда не иш битмиш саросар,  
Ози бир қунда қилмиштур баровар.

Махин Бону чу бу роз этди ифшо,  
Париваш айлади майли тамошо.

Деди ул ён жанибат сургулукдур.

Бу иш гар вокиъ эрса кўргулнкдур

Гъаниматдур уни кўрмак кишига,  
Тамошо айламак килган ишига.

Махин Бону билан Ширин Фарходнинг меҳнатини кўргани келадилар ва шунда биринчи мартаба Фарход куёшининг ўти Шириннинг туташгучи юрагига тушиб уни ёндиради. Икки юракда тенг баровар оташин севги пайдо бўлади:

Кўриб Ширинни хайрат лол килди,  
Таажжуб бир йўли беҳол килди.

Кўрунган кўзга мундок чехри онинг,  
Ичига солди шўриш меҳри онинг.

Мў'жизалар яратучи Фарходни кўрган Махин Бону ва Ширин унинг ишига офаринлар ўкиб, бошидан жавохирлар сочадилар.

Фарход ва Ширин ўртасидаги алангали ишк жуда реал инсоний муносабатлар асосида юзага келади. Бу ишк, Фарход ва Шириндаги энг олий хислатлар, кишиликка, инсон хурриятига муҳаббат билан маҳкам боғлангандир. Фарход билан Ширин ўртасидаги бу ишк одамнинг камол топишига, унинг маънавий жихатдан покиза бўлиб кўтарнлишига хизмат килади.

Ширинни ссвган Фарход унинг жаннатдан ҳам гўзал ватанини, халкини, унинг тупрогини ҳам севади. Унинг халкининг тинч ва осойишта тирикчилиги учун курашади. Унинг юртини босиб келаётган душманга карши чикади ва кўкрак кериб, ўз ўлимини бўйнига олиб, уни кўриқлайди. Ширин ватани ва унинг халкининг кийналган кунлари, Фарход учун энг азобли дакикалар бўлиб сезилади. Шунинг учун халк бошига келаётган балога карши энг аввал унинг ўзи кўкрак тутуди ва упи кайтаришта ҳаракат килади.

Навоий тасвирида Фарходнинг шахсий тақдири бутун ватан ва халк тақдири билан ажралмас боғланган, шу халк осойишта турмуш кечирган ва ватанда тинчлик ҳукм сурган бир вақтдагина Фарходнинг севгиси ва унинг хусусий тақдири омон топар эди. Фарход образининг энг муҳим моҳиятларидан бири шудир.

Фарход билан Ширин ўртасидаги юзага келган абадий дўстликнинг асоси, бу икки дўстнинг тахминан бир фикр ва бир маънавий савияда бўлишида, инсоний хусусиятларга тенг эга бўлишларида, вафо ва садокатда тенг бўлишларида, жасорат ва мардликда баббаровар бўлишларида, тенг оташин калбга эга бўлишларида, ўз ватани ва халкини баббаровар яхши кўришларидадир. Агар Ширин Фарходдан маънан заррача кам бўлса эди, икки ўртада ҳечқандай гармония юзага келмас ва бундай бир умрбод дўстлик достони ҳам тўкилмаган бўлар эди.

Фарходдаги энг муҳим хислатлар Ширинга ҳам тамом хосдир. Ширин ўзини тўла маънодаги инсон деб англайди. У, энг огир минутларда Фарходнинг дардига малҳам бўлиб, кайгусини енгиллатади. Агарда Шириндаги мардлик ва садокат Фарход билан тенг бўлмаганда эди, Фарход ҳам ўз севгисида бунчалик баланд кўтарилмаган бўлар эди. Фарход ҳаётини маънан тўлдирган Шириндир.

Бу хол Шириннинг Фарходга ёзган хатида жуда очик кўринди. Навоий достонининг энг гўзал ўринларидан бири бўлган бу хат Ширинни хақиқий ва пок инсон сифатида



гавдалантиради. Шириннинг калби энг аввал Фарходга нисбатан энг нафис ва энг нозик бир меҳрибонлик, жонкуярлик билан тўладир:

Не бўлгай эрди чархи зулм пеша,  
Мени сендин жудо килмай хамиша,

Хироминг чоги йўлдош бўлсам эрди.  
Суқунинг вақти кўлдош бўлсам эрди.

Кўёш янглиг бўлиб кундуз кариннинг,  
Бўлиб тун соя янглиг хамнишининг,

Тикон кирса кафинга кийнасидин,  
Чикарсам эрди кирпик игиасидин.

... Кўруб хору хас ўрнингда нихони,  
Сочим бирла супурсам эрди они.

Бу сатрлар билан Ширин Фарходга катта тасалли берар, унинг юрагига қувват киргизар эди. Фарход тўгрисида севгилининг мадхиясидан иборат бўлган бу хатда Ширин уни сабрга, токатга, чидамли бўлишга чакирарди.

Вале бўлмиш жахон ахлига маълум,  
Ки илҳингда котик хоро эруг мум.

Чекарга дарду андух журъатинг бор,  
Бало тортарга сабру токатинг бор.

Агарча фиркатимдин нотавонсен,  
Вале хам эрсену хам пахлавонсен.

Оз халкининг ва ватанининг ахволи тўгрисида ва унинг золим Хисрав кўлида талон-торож бўлиб ётганидан сўзловчи бу хатда Шириннинг кизлик номуси, ундаги иффат, бокиралик, хаё ва одоб хам ёркин ифода килингандир. Улуг инсон бўлган Фарходнинг жавоб хатида эса энг мукамал бир тимсолини топган.

Ширин Фарходни мукамал бир одам сифатида севади, бу одам каршисида ўз бурчини тўла англайди ва адо килади. У, Хисравдан келган элчига берган жавобида дейди:

Менга не ёру не ошик хавасдур,  
Агар мен одам ўлсам ушбу басдур.

Гўзал Шириннинг тили билан ўзбек халкининг улуг шоири Навоий бу сатрларда асрлар ва замонларнинг ширини битиб колдиргандир. Шириннинг бу сўзидан биз унинг бутун маънавий хаётини англаймиз, у шу сўзлар билан ўзига зўр бир салобат тугдиради ва уни жахон адабиётидаги энг гўзал ва энг мукамал ишланган образлар каторига кўяди. Ширин ва Фарход кишиликининг энг яхши ижодчилари томонидан яратилиб колдирилган

энг катта образларни эслатиб турадилар.

Фарход ва Шириннинг образи ҳеч қачон кўнгиллардан чиқмагани каби, бу икки буюк одам яратган дўстликнинг ҳам оти ўчмайди. Бу Шопур, Махин Бону ва Бахромдир. Бу пайт Навоий достонининг энг халқчил ерларидан биридир.

Дўстлик халқлар ва одамлар ўртасидаги энг табиий бир ҳол. Чин одамлар доимо бир-бирларини ўзларига дўст ва йўлдош кўра келганлар. Фикр ва руҳдаги бирлик, ният ва амалдаги биргалик, иш ва ҳаётдаги биргалик кишилар ўртасида дўстлик уругини соча келган. Халқлар ва кишилар ўртасини эксплуататор синфларгина бузадилар. Хусусий мулк ва молу дунё талаши билан эксплуататор синфлар халқлар ўртасига низо ва ажралиш соладилар. Дўстлик ва иноқлик сифати, ҳамкорлик сифати кенг халқ оммаларининг энг зўр хусусиятидир.

Навоий халқ фарзандларидаги ана шу чин хусусиятни ўзининг дохиёна кўзлари билан кўра билган, халқлар ўртасида дўстликни юзага келтирадиган асосларни ва душманлик соладиган элементларни кўрсата билгандир.

Шопур Фарходнинг бир умрлик чин дўстидир. Шопур фақат Фарходнинг эмас ва балки Шириннинг ҳам бир умрлик чин дўстидир, ўзбек Фарход, арман Ширин ва эронли Шопур уртасида юзага келеан дўстлик ўлим ёстигигача ўзгармас ва айнимас дўстликдир. Бу дўстлик бошларга бало ва мусибат келган кунларида синалган, кураш ва машаққат кунларида зохир бўлган вафо ва садокат асосида мустаҳкамланган дўстликдир. Бундай дўстликнинг асоси зўр бўлади. Уни кўпориб ва ағдариб бўлмайди. Бу ҳақиқатан шундандир. Арман ўлкасини чет таловчилар босиб келган пайтда бу дўстлик яна ҳам маҳкамланиб очик кўринади. Халққа бўлган муҳаббат, ватанга бўлган муҳаббат, кишиларнинг ўзларига ва ўз идеяларига бўлган садокат, уларни бир-бирларига яна ҳам каттиқроқ боғлайди. Ватан душманларига, халқ душманларига бўлган газаб ва нафрат, ватан тупрогини асраш учун бўлган ҳиммат ва онт, уларни яна ҳам бирлаштиради. Табиийким бундай зўр синовлардан ўтган дўстлик бир умрлик ажралмас ва бузилмас бўлиб маҳкамланади. Дўстлар бир-бирларининг ишларини тугаллайдилар. Бири бошлаб кетган ишни бири охирига етказди, бири яратолмагани бири барпо қилади. Бири тиклолмагани бири ўрнатади. Фарход, Ширин, Шопур ва Бахром ўртасидаги дўстлик шундайдир.

Бахром Фарходнинг қабрини қучоқлаб йиглар экан Навоий унинг тили билан бу дўстликнинг чин марсиясини айтгандир:

Кўзим чиқсун сени кўргунча мундоқ,  
Кесилсин тил сени сўргунча мундоқ,

Нелар келмиш бошингга гурбат ичра,  
Не гурбатлар чекибсен шиддат ичра.

Кўзинг очиб кўтаргил бошинг охир!  
Ки келмиш бир хазин тсўлдошинг охир!

Тегиб гардунга ун сесканмагинг йўк,  
Тушуб оламга ўт тебранмагинг йўк.

Кўз очмассан, дебон, келган қулумдур,

Масал чин бўлдиким уйку ўлимдур.  
Бу ишииғ токати мендин йирокдур,  
Муни кўргунча ўлсам яхшироқдур.

Озбек, арман ва эрон халкларининг фарзандлари ўртасида юзага келган дўстликни юксак образларда куйлаш билан бизнинг улуг Алишеримиз кишиликнинг энг прогрессив идеялари даражасига кўтарилган, буюк гуманист сифатида халклар биродарлиги ва интернационализм куйчиси бўлиб колгандир.

Хисрав, маккор кампир ва Ширюя оркали Навоий одамларнинг иккинчи гуруҳини, ёмонлик дунёсини кўрсатган.

Хисрав — золим, инсон хурриятининг раҳмсиз котили ва ўз айшу ишратлари учун конлар тўкишга, юртларни вайрон қилишга, халкларнинг уйини барбод беришга тайёр турган бир шох. Навоий Хисравда одамгарчиликни кўрмайди. Лекин Хисравнинг ўз кишилари, ўз дўстлари бор. Аммо бу дўстлар ким? Бу дўстларнинг бири маккор кампирдир.

Маккор кампир Хисравнинг энг якин кишиси, дўсти, лекин у инсон эмас. Унда бирорта бўлсин чин кишилик хислати йўқ. У ўз умрида бир сўз бўлсин рост тапирмаган. Бутун хаёти хийла, макр ва найранг асосига қурилган. У сеҳргарликни бошласа тошларни мум қилиб юборади. Макр асосида киз билан отани, она билан ўғилни эру хотин қилолади. Хийла ва зулм билан кишиларнинг хону монини қуйдиради. Унинг хаёт бўлишидан кишиликка зарардан бошқа ҳечнарсаси келмайди. Пўлат тоғ бўлган Фарходни у бир дамда фусун ва сеҳр билан барбод қилади. Хисравнинг дўсти бўлган бу одам котил, Фарходни ўлдиручидир. Навоий уни шундай тасвирлайди:

Хутути макрдин юзида юз чин,  
Тилига ўтмайин умрида сўз чин.

Чу соз айлаб фусурий хийлайи шум,  
Кўлида хора юмшаб ўйлаким мум.

Бериб сўргач фусунлик можарони,  
Отага кизни, ўғилга онони.

... Қачон носозлиғ айлаб ирода.  
Бузуб бир сўз била юз хонвода

... Урарга зулм тигин тез хуш ул.  
Демайким тез хуш, Фарходкуш ул.

... Ки гар Фарход бўлсун кўхи фўлод,  
Берар афсун била бир дамда барбод.

Хисравнинг бутун хаёт қоидаси аиа шу макр ва хийла асосига қурилган, у шунга мажбур, у факат шу асосда яшай олади. Навоий жуда характерли чизикларда тасвир этган бу кампир, Хисравнинг қиличи, у Хисрав душманларининг бошини кесади, ёстигини қуритади, Хисрав макр ва хийлани, макр ва хийла кишилари Хисравни яратади. Бу бўлмаси Хисрав асло яшолмайди ва ҳукмрон ҳам бўлолмайди.

Хисравнинг иккинчи дўсти унинг ўз ўгли Шируядир. Бунинг одам бўлиб килган энгзўр иши ўз отасини ўлдирмокдир. Маккор кампир Фарходни ўлдиреди, Шируя ўз отаси Хисравни ўлдиреди. Хисравнинг ўзи бўлса шахсан шу ишларнинг бошида туради. Шох Хисравлар дунёси шудир.

Хисравнинг образини яратишда Навоий реал борликка суянган ва бу дунёнинг мохиятини дохиёна очиб ташлагандир. Уларнинг ички маъносини, кадри ва кимматини тўла изчиллик ва зийраклик билан фош килгандир.

Фарход, Ширин кабн мазмундор одамлар каршисида Навоий Хисравларнинг маънан пуч ва ўлик хаётини тасвир килади. Фарход ишкни киши юксаклигикинг мухим бир хислати тарикасида тушунади. Зохирада Ширинга ошик бўлиб кўринган Хисрав эса хакикатда, икки оёкли бир махлук тарикасида гавдаланади. Фарход ва Хисрав иккови ўртасида ўтган машхур тортишувда Фарход канча баланд кўтарилса, Хисрав шунча тубанга тушади, маънавий дунёси тору мор келиб, ялангочланади ва кўз ўнгимизда шох кийимини кийиб тахтга чиккан икки оёкли махлук суратланади. Фарход шохлар ахлининг чин севги хисларидан махрум эканликларини, одамгарчиликда, севгида шох билан факир, хўжа билан гадонинг тенг эканини айтади. Бу олижаноб фикрлар яшин чаккан каби Хисравнинг ички дунёсини титратадилар. У какшаб колади:

Деди: Кайдин сен э мажнуни гумрох,  
Деди: Мажнун ватандин кайда огох.

Деди: Недур сенга оламда пеша,  
Деди: Ишк ичра мажнунлик хамиша.

Дедиким, ишк ўтидин де фасона,  
Деди: Куймай киши топмас нишона.

Дедиким, куймакингни айла маълум,  
Деди: Андин эрур шох ахли махрум.

Деди: Кай чодин ўлдинг ишк аро маст,  
Деди: Рух эрмас эрди танга пайваст.

Дедиким, дилбарингнинг де сифотин,  
Деди: Тил гайратидин тутмам отин.

Деди: Ким ишкига кўнглунг ўриндир,  
Деди: Кўнглумда жондек ёшриндур.

Деди: Васлига борсен орзуманд  
Деди: Бор мен хаёли бирла хурсанд.

Деди: Кўксунгни гар чок эца бебок,  
Деди: Кўнглум тутай хам айла деб чок.

Деди: Бу ишк тарки ихширокдур,

Деди: Бу шева ошикдин йирокдур.

Дедиким, шахга бўлма ширкат андиш,  
Деди: Ишк ичра тенгдур шоху дарвиш.

Деди: Кишвар берай, кеч бу хавасдин.  
Деди: Бечора; кеч бу мултамасдин.

Нечаким бўлди мушкул сўз хитоби,  
Баси осон анга етди жавоби.

Хисрав саволларига берган хар бир ўткир жавоби билан Фарход уни ер билан тенг килади. Унинг мухокамаларидаги пучликни очиб ташлайди, ва буюк Фарход каршисида увок ва майда бўлиб колган шох, зулмга кўл узатади. Фарходни дорга осишга ва ундан сўнг зўр ўт ёкиб куйдиришга буюради:

Сиёсат килгуликдур бу фидои,  
Ки харбир тог ила води гадои.

Яна кўргузмагай бу хавфу дахшат,  
Салотин хизматида сўзга журъат.

Гъазаб бирла буюрди хохи гаддор,  
Ки урдилар хисор олида бир дор.

Навоий Хисравни, одамзод гулистонига тушган бир хашарот сифатида англайди ва шундай тасвир килади. Хисрав шунча золимки, унинг дастидан Фарход ўлади, Махин Бону ўлади, Арман ўлкаси хароб бўлади. Навоий тасвирида Хисрав одамзоднинг офатидир. Навоийнинг ўлмас достонини ўқир эканмиз, Хисрав образи бизга кишиликнинг энг ашаддий душманларини, одамзоднинг энг яхши фарзандларини йўкотиш, ижодий фикрларининг энг улкан намуналарини ўтга ёкиш, тинч ва осойишта турмуш кечиручи халкларнинг ватанини тўпга тутиш, бомбардимонлар килиш билан ўз хокимиятпнч мустахкамлашни истовчи конхўрларни эслатади. Фарход ўз севгилисининг юртини обод килучи, унинг тинчлиги ва осойишталигини сакловчи, Хисрав эса ўз «севгаининг» юртига горат беручи, ва барбод килучисидир. Фарход ўз ишки йўлида халкнинг тинчлигини бузучи, ўлкалар ва юртларни хароб килучи шохдан жуда каттик кулади:

Жафо майдонига хардам суруб от,  
Киши андин нечук килгай мухобот.

Эрур бу турфарокким тортибон тиг,  
Корартиб ерни хайлинг уйлаким миг

Килиб эл мулка ичра катлу торож,  
Олай деб мулк элидин тахт ила тож,

Бировниким бериб мулкии барбод,  
Килурсен нозанип кўнглини ношод.

Шикастига стам ёйин курарсеи,  
Эшитдим ишк лофин хам урарсеи.

Бу бўлгай ишк, дард охини вах-вах,  
Вафоу михр шарти оллох-оллох.

Киши ишкида зор ўлмок бу бўлгай,  
Гъамидин бекарор ўлмок бу бўлгай.

Фарход Хисрав ишкида маъно бўлмаганидаи, вафо, меҳр ва садокат бўлмаганидан каттнк кулади. Истихзо килади. Фарходнинг Хисрав ишкига караши чукур нафрат ва киноя билан тўлган.

Фарход тенг ва баровар ишк тарафдори. Унинг тушунчасича бундай севги халккагина хос. Хисрав буни англашдан бутунлай ожиз. У бундай хакикий ишкнинг борлигини ёлгиз халқдан эшитибгина билган. Ишк сўзини халқдан эшитиб билган Хисрав чин севгучи юракка эга бўлган Фарходга ракиб бўлиб, Ширинга, уни хатто кўрмасдан туриб ошик бўлади:

Эшитиб халқдин ишки сўзини,  
Анга шохи ракиб этгай ўзини.

Бировга кўрмай ўзин ошик эткай,  
Бу ошикликда ўзин содик эткай.

Фарход бошдан-оёк Хисравнинг маънавий хаётидан, унда чин инсоний хислатларнинг йўқлигидан кулади. Тенг севгига лойик бўлмаган шох Хисрав ўзига севгили бўлажак гўзалнинг ватанига кўшин тортиб келади. Одамларини ўлдириб, ўлкасини вайрон этади. Фарход ундан каттик захарханда килади:

Анинг мулкига солгай катлу торож  
Бадандин бош тушургай, бошдин тож,

... Адолат ушбу бўлгай лавхаш оллох,  
Шужоат бунча бўлгай бсракаллох.

Ширин хам бутун вужуди билан Хисравни ёмон кўради, уни золим, конхўр деб атайди. Навоий Шириннинг Фарходга ёзган хатини келтириб ёзади:

Бўлуб кўб зикр мактуб ичра Парвез,  
Ани деб гохи золим, гохи хунрез,

Етиб Арманни вайрон килганини,  
Улуска горати жон килганини...

... Агар ошик будур маъдум хушрок,  
Висол икболидин махрум хушрок.

Хак андии асрасунким бўйла ошик,  
Озин кўргай мурод авжида фоик.

Ширин Хисравга хотин бўлишни, унинг шох деган зўр овозасига карамасдан, ўзига чидаб бўлмас катта бир хўрлик деб тушунади. Унинг билан тиз чўкиб кўришмоқдан кўра ўлмакни ўзига шараф деб билади... Шириннинг кахрамон образини Навоий бизга уни кўргонда Хисрав камАлидан ўзини курашиб асраш тўгрисидаги онти билан яна мукамаллаб беради:

Менинг жисмимда то жондин рамакдур,  
Ишим кўргонда ўзни асрамоқдур.

Фарход ва Ширин курашчан кишиларнинг образидир. Улар энг мукаддас ва энг олижаноб хислатларни ўзларида ташийдилар. Улар то ўлгунча ўз идеялари учун душман — Хисравга карши курашадилар.

Аmmo Фарход билан Ширин яшаган жамиятда Хисравлар хокимлик киладилар. Шунинг учун умр бўйи бахт ахтарган Фарход доим бахтсизликка тушади. Эрк излаган Ширин ўлимга йўликади. Хисравнинг кўли остида яхшилик ва адолат ўлдирилиб, ёмонлик — бадкорлик тантана куради. Икки пок ва бокира калбнинг боши замоннинг каттик тошларига урилади ва парча-парча бўлиб синади.

Фарход ва Ширин ниҳоят ўзларини ўраб олган мухитга, замонага, унинг тузумига ва унинг расм ва одатларига карши исён кўтарадилар, дод дейдилар. Зулм ва адолатсизликни каргаб кўз ёши тўкадилар. Фарход ўзининг бутун хаёт йўлига якун ясайди: «канча яхши иш килган бўлсам шунча зулм ва ёмонлик кўрдим, менинг ўткир тош йўнар тешам канча тош ушатган бўлса, фалак унинг хаммасини йигиб, менинг ўз бошимга отди, канча буюк тоғлар яратган бўлсам, ўзим казо хукми билан хаммасининг остида колдим, мен гам тоғи бўлиб колдим ва балки кайгу тоғи остида йўк бўлиб кетдим», дейди.

Дегил хар тошким тешам ушатди,  
Йигиб гардун менинг бошимга отди

Качон ёгурса гардун юз туман тот  
Булар остида неткай бир синик бош.

Фалакваш тоғларким ерга солдим,  
Казодин барчанинг остида колдим.

Менга бўлди фалак катл айлаган чоғ,  
Узолгон турбатимнинг тоши бир тоғ.

Ул авлоким дегаймен кўхи гаммен.  
Ки кўхи гамнинг остида адаммен.

Ширин, кўксимни юз пора килган билан дунёнинг зулмига кандай чора килаолар эдим дсб йиглайди:

Киши гар кўксуни юз пора килсун,  
Фалак бедодига не чора килсум.

Фарход золим дунёга караб: «зулмнинг сўнгги борми? Менинг бошимга кандай кора кунлар келтирдинг?» деган хитоб билан зўр каргишлайди:

Ки э золим сиэхри кина парвард,  
Чикардинг ушбу хоки жисмдин гард.

Тарики зулм ила кин мунча бўлгай!  
Жафо килмокка ойин мунча бўлгай.

Ажал тигин чекиб сурсанг не бўлди,  
Мени бир катла ўлтурсанг не бўлди.

Гъариби хастаю махзун эманму,  
Бало водисида Мажнун эманму.

.... Каён борди сенинг озарминг охир,  
Кора тупрокка чехри гарминг охир.

Неча жонимга мундок кеча бўлгай,  
Кеча жонимга мундок неча бўлгай.

Бошимга кўрки не тун келтурибсен,  
Демай тун не каро кун келтурибсан.

Фарход ва Шириннинг халок бўлишидан багри кон бўлиб кетган буюк Алишер яхшиларнинг ўлиmidан ёмонларнинг рохатланиши хакида ўша замон учун жуда хам характерли бўлган чукур хикматлар айтади: «Кишининг гавхари канча тоза бўлса, унинг зулmidан шунча кайгули бўлади. гавхарнинг энг асили ёкутдир, бироқ замон унинг багрини хам тешиб кон килади, куёшдан борлик нур олади, аммо кеча уни хам тупрокка кўмади, пиёлаларга тўлган кон — шароб битта фосикнинг бир дамлик хушвактлиги учундир; юзлаб покиза гавхарларни тупрокка ташламокдан битта банги кувонади; кўкариб турган дарахтни синдириб ёкишдан ўтпарастнинггина кўнгли тинади, Фарход конини аямай тўкишдан Хисравпша базм куради». Ёлгиз афоризмлардангина иборат бўлган бу сўзларнинг байти шудир:

Кишининг неча кўпрок гавхари пок.  
Анинг бедодидин кўпрок аламок.

Чу асли пок гавхар келди ёкут,  
Тешиб багрини кон айлар анга кут.



Куёшким коинот андин олур нур,  
Килур хар тун каро тупрокка мастур

Баси согарнинг андин кони тўлгай,  
Ки бирдам фосики хушол бўлгай.

Етиб юз жавхари покизани хок,  
Ки андин бангини бўлгай фарахнок.

Бериб бир нахлга хардам шикасти,  
Ки тингай тобдин оташпарасти.

Тўкиб Фарход конин бемадоро.  
Ки Хисрав майдин ўлгай мажлис оро.

Фарход ва Ширин достони Навоий айтган бу фикрларни бизга жуда гўзал бадий образларда исбот килиб беради. Икки севгучи юракнинг ўлмас образи бизнинг калбимизда жой олиб, доим кўз ўнгимизда жилваланади ва биз ундан ҳеч бир ажралаолмаймиз ва уларга нисбатан чуқур бир хурмат саклаймиз, уларнинг энг гўзал хислатлари бизда хавас ва уйғониш тугдиради, биз шунинг билан фахрланамиз. Севгучи Фарход ва Ширинлар хақидаги гўзал хикоя асрлар бўйн яшаб келмоқда. Чунки уни халк яратган, унга ўзининг гўзал ва бой хаёлини киргизган, шунинг учун халк уни сира унутмайди. Бу гўзал хикоянинг моҳиятида севги фожиасининг тарихи билан бир каторда жуда чуқур инсоний фикрлар ва туйғулар ётади.

Фарход билан Ширин. образига севги хурлиги, инсон шахсининг хурлиги идеяси, гуманизм ва халклар биродарлиги идеяси, ватанпарварлик ва ватанни мудофаа килиш идеяси, садокат ва адолат идеяси, вафо ва ботирлик идеяси, меҳнат ва ижодкорликка муҳаббат идёси сингдирилган. Фарход билан Ширин тақдири — Навоийга якин ва асрдош бўлган халклар тақдири, унинг энг яхши ва энг комил кишиларининг тақдиридир. Бу — мулк ва адолатсизлик ҳукм сурган жамиятдаги халкнинг энг яхши ўгил ва кизларининг тақдиридир. Бу—кишиларнинг бахти уларнинг жамиятдаги мулкдорлик вазиятлари билан белгиланадиган одамларнинг тақдиридир. Бу — кайгу ва шодликнинг мадҳия ва марсиясидан, ўлим ва хаёт мавзуининг юзига калкиб чикиб, унда бирнеча бош баланд кўтарилиб, келажакка боккан ботир одамларнинг касида ва мадҳиясидан иборатдир.

Халк Фарход билан Ширин образида ўзининг кайгули ўтмиш тарихини кўриб келган: унинг ўгил-кизлари эса ундан ўз ота-боболарининг тақдирини кўриб келгандирлар. Улуг шоир ўзининг ўлмас образлари билан кишиларга адолат ва шодлик хисларини пайванд килар эди. Улуг шоирнинг образлари кўп наслларга вафо, қахрамонлик, инсон шахсининг хуррияти ва муҳаббат хуррияти учун кураш сезгилариини, ватанга муҳаббат сезгиларини пайвандлаб келган. Фарход билан Ширин ўртасидаги оташин ишк кишини юксалтиради ва камолга етказди.

Шунинг учун ҳам ўзбек халки Фарход ва Ширин образларини жуда яхши кўради ва уни хамавакт ёдида тутди. Орта Осиёда Навоийнинг Фарход ва Ширин хақидаги гўзал хикояси бориб етмаган жой йўқдир. Шунинг таъсири билан Хўжанд ва Бойсун атрофларидаги «Фарход тоғи» деган тоғ ва «Ширин сойи» деб аталган сой юзага

келган. Машхур ўзбек халк шоири Фозил Йўлдош Навоийнинг «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» деган асарлари таъсири билан «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» деган дostonлар яратган. Навоийнинг дostonлари билан Фозил шоир яратган дostonлар орасида умумий сюжет ва идеянинг бир бўлишига карамасдан бир ажойиб фарк бор: Навоийнинг хар иккала дostonида хам кахрамонлар халок бўладилар. Фозил шоир дostonларида буларнинг хаммаси тирик колади ва мурод максадга етади. Бундан халк дostonларигагина хос бўлган, Горкий айтган, чукур оптимизм — умидлилиқ жуда очик кўринади. Фарход билан Ширин хакида жуда кўп халк афсоналари ва эртаклари бор. Бойсун атрофидан ёзилиб олинган бир хикояда Фарход кўй боқучи чўпон килиб тасвирланади. Булар Фарход билан Ширин образига халк муносабатининг канча зўр эканини кўрсатадиган далиллардир.

Чинакам халк образи бўлган, асрлар ва замонларнинг мухаббатини козонган Фарход одамзоднинг келажак наслларига зўр васият колдирган. Фарход билан Ширин хали инсон эркин бўлмаган жамиятда киши бошига тушиши мумкин бўлган муснбатларининг хаммасини тортдилар. Фарход билан Ширин кўрмаган зулм, Фарход билан Ширин чекмаган алам колмади.

«Фарход ва Ширин»ни каламга олар экан, Навоий кандайдир бир янгилик ахтарар, бирнеча сўз бўлса хам кишилар айтмаган нарсаларни айтишга уринар эди. У, эл юриб ўтиб кетган йўлдан чопиб юрмок, кишилар айтиб улгурганни бошкатдан такрорламок ижодчининг иши эмас деб карайди.

Навоий ижодкорнинг янгилик яратмоги зарур эканини кайта-кайта айтади. Хаёт бўстонининг сахнида чаман ва гул кўп эканини ва факат уни мехнат килиб ахтариб топиш зарурлигини сўзлади.

Ани назм этки тархинг тоза бўлгай,  
Улуска майл беандоза бўлгай.

Йўк эрса назм килгани халойик,  
Мукаррар айламак сепдин на лойик.

Хуш эрмас эл сўнгича рахш сурмок,  
Йўли ким эл югурмишдур югурмок.

Бировким бир чаманда сойир эрди,  
Нечаким гул очилган кўрди терди.

Хам ул ерда эмас гул истамак хўб,  
Бу бўстон сахнида гул кўп, чаман кўп.

Чу бу сўзларки фикр этти замирим,  
Кўринди борча маъни дилназирим.

Килиб кўнглумни бу андеша шайдо,  
Таворих айладим хар сои пайдо.

Назар айлаб барин аввалдин охир,

Бўлуб бошдин аёк олимда зохир,

Топилди анча сўзким комим эрди,  
Куюлди анча майким жомим эрди.

Бу дурлар чунки манзум ўлгусидур,  
Кулок, солганга маълум ўлгусидур.

Буюк ижод дохиси бўлган Алишер Навоий ўз достонини бадий тараккиёт тарихида янги бир кадам сифатида яратишга ниятланган ва ўз ниятига мукамал равишда етгандир.

(1939)